

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2020 йил март ойининг 4 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг очик суд мажлиси, Самарқанд шаҳар “Боғисарой” маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб,

Раислик қилувчи судья Ш.Мирзаахмедов, судья ёрдамчиси И.Абдумуталовнинг котиблигида, томонлардан Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ш.Юсупов, судланувчи Г.А ва унинг ҳимоячиси “Боғишамол ҳақиқати” адвокатлар ҳайъатининг адвокати И.Джабборовнинг иштирокида, судланувчи Г.Ага нисбатан бўлган 1-1401-2004/49 сонли иши кўриб чиқилди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи: Г.А (Г.А) 1991 йил 11 май куни Самарқанд шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2017 йил 23 июнь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан, ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 3 йил муайян ҳуқуқдан, яъни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2018 йил 19 ноябрь кунги ажримига кўра, унинг ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод этилган, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланади, Самарқанд шаҳар, А.Б.Розий кўчаси 35-уй, 22-хонадонда рўйхатда туриб, Самарқанд шаҳар, А.Б.Розий кўчаси 36-уй, 57-хонадонда яшайди, унга нисбатан иш бўйича муносиб ҳулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2020 йил 11 январь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “г,и” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Г.А 2019 йил 20 октябрь куни соат 21<sup>00</sup>ларда, таниши Р.С билан, бир гуруҳ бўлиб, Самарқанд шаҳар, “Буюк Ипак Йўли” кўчаси 52-уйда жойлашаган “Билярд” ўйингоҳида, фуқаро У.А билан ўрталарида



келиб чиққан келишмовчлик оқибатида жанжаллашиб, жанжал вақтида фукаро У.Анинг бош, кўл ва оёқ соҳаларига кўллари билан қасддан уриб, ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Г.А айбига қисман иқрорлик билдириб, ўзининг кўрсатувида, 2019 йил 20 октябрь куни соат тахминан 20:35 да, таниши Раджапов Санжар билан Самарқанд шаҳар, Миттитуманида кўришиб, у билан билярд ўйнаш мақсадида, Самарқанд шаҳар “Б.И.Йўли” кўчаси 52-уйда жойлашган билярд ўйингоҳига боришганлиги, шу вақтда соат 21:00 лар бўлганлиги, Билярд ўйингоҳида касса ишчиси ва кузатувчи бўлиб ишловчи, унга олдиндан таниш бўлган Алаев Сухробни кўрганлиги, у С.Алаев билан олдиндан таниш ва яхши муносабатда бўлганлиги сабабли, ҳазиллашиб сўкишиб гаплашишлиги, шу вақти жабрланувчи У.А югуриб келиб, Санжарнинг бўйин қисмига тирсаги билан уриб юборганлиги, Санжар ерга йиқилганлиги, у бу ҳолатни кўриб, жахли чиқиб, жабрланувчи У.Ага “ака бўлди қилинг!” деганлиги, У.А кўлига билярд шарини олган вақтда, У.Анинг кўкрак қисмига мушти билан урганлиги, кейин У.Анинг оёғига 2-3 маротаба тепганлиги, У.А мувозанатини йўқотиб, столга йиқилганлиги, шу вақтда Санжар ҳам У.Ани 1-2 бор оёғига тепганлиги, кейин улар Санжарни ажратиб, ўз уйларига кетишганлиги, ҳозирги кунда содир қилган қилмишидан пушаймонлиги, қилмишининг оқибатларини англаб етганлиги, ушбу содир қилган ҳолати бўйича жабрланувчидан кечирим сўраганлиги, қарамоғида вояга етмаган бир нафар фарзанди борлиги ҳамда оилада ягона боқувчи эканлиги, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўрашлиги ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи Г.Анинг айби, унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, суд мажлисида сўралган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатуви ҳамда жинойт ишида мавжуд бўлган далиллар билан тўлиқ тасдиқланади.

Жумладан: суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи У.А ўзининг кўрсатувида, 2019 йил 20 октябрь куни соат 20:00 ларда у Б.И.Йўли кўчаси 52-уйда жойлашган “Билярд” ўйингоҳига борганлиги, у шу ерда ишловчи Алаев Сухроб ва корейц миллатига мансуб Сашалар бўлганлиги, у бир оз вақт Саша билан билярд ўйнаганлиги, кўшниси Адамян Ашот келгач, у билан ўйнаганлиги, у Ашотга 15.000 сўм пул бериб, пиво олиб келишлигини сўраганлиги, Ашот пиво олиб келгач, улар пиво ичиб билярд ўйнаганлиги, “Билярд” ўйингоҳига соат 21:00 ларда, Г.А ва Раджапов Санжарлар кириб келишганлиги, Г.А, С.Раджапов ва Сухроб ўртасида ўзаро келишмовчилик келиб чиққанлиги, у жанжалнинг олдини олиш мақсадида, уларнинг олдига югуриб бориб, Санжарни итариб юборганлиги, Санжар мувозанатини йўқотиб йиқилганлиги, шу вақтда Г.А уни бошининг орқа қисмига оғир нарса билан урганлиги, у бир оз ўзига келиб, кўзини очганида, уни икки киши ураётганлигини кўрганлиги, кейин шифохонада ўзига келганлиги, ҳозирги вақтда судланувчи Г.Ага нисбатан даъвоси борлиги, шифохонада даволангани ва бошқа харажатлари учун



ундан 15.000.000 сўм зарарларни ундириб бериб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўрашлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Алаев Сухроб Эркинович ўзининг кўрсатувида, у тахминан 5-6 йилдан буён “Билярд” ўйингоҳида ишчи бўлиб ишлашлиги, у У.А ва Г.Ани танишлиги, 2019 йил 20 октябрь куни соат 20:00 ларда ўйингоҳга У.А келиб, Адамьян Ашот билан пиво истеъмол қилиб, билярд ўйнаганлиги, соат 21:00 ларда Г.А билан Санжар келишганлиги, у Г.А билан бақиритиб гаплашганлиги шу вақти уларни олдига У.А югуриб келиб, Санжарнинг бўйин қисмига мушти билан урганлиги, Санжар мувозанатини йўқотиб йиқилганлиги, шунда Г.А У.Ани ура бошлаганлиги, Г.Анинг зарбасидан кейин У.А ерга йиқилганлиги, у уларни ажратмоқчи бўлганлиги, жанжалга Санжар ҳам қўшилиб, У.Ани ура бошлаганлиги, у уларни ажрата олмаганидан сўнг, кўчага уларни ажратиш учун ёрдам сўраб чиққанлиги, қайтиб кирган вақтида У.А ерда ётган бўлганлиги, У.А ўзига келгач уни қўшниси Ашот уйига олиб кетганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Адамьян Ашот Александрович ўзининг кўрсатувида, у Усмонов Амирулла ва Г.Ани яхши танишлиги, 2019 йил 20 октябрь куни соат 18:00 ларда “Билярд” ўйингоҳига борганлиги, у ерда билярд ўйнаб турган вақтида А.Усмонов келганлиги, кейин иккаласи билярд ўйнаганлиги, А.Усмонов илтимосига кўра, у пиво олиб келганлиги, улар пиво ичиб билярд ўйнаганлиги, соат 21:00 ларда, Г.А ва С.Ражаповлар келишганлиги, Г.А Сухроб билан ўзаро баланд овозда сўкишиб гаплашишганлиги, А.Усмонов Г.А ва Санжарларнинг олдига югуриб бориб, Санжарни бош қисмига урганлиги, зарбадан сўнг Санжар ўтириб қолганлиги, Г.А А.Усмоновни бир маротаба мушти билан урганлиги, Г.Анинг зарбаларидан жабрланувчи А.Усмонов ерга йиқилганлиги, судланувчи Г.А жабрланувчи А.Усмоновни оёқ ва бел қисмига оёқлари билан тепганлиги, судланувчи Г.Ага Санжар ҳам келиб қўшилиб, жабрланувчи А.Усмоновни оёқлари билан тепганлиги, у уларни ажратишга ҳаракат қилганлиги, лекин ажрата олмаганлиги, кейин у жабрланувчи А.Усмоновни уйига олиб борганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Самарқанд вилоят суд-тиббиёт экспертизасининг 2019 йил 13 ноябрь кунидаги № 3648-сонли хулосасига кўра, У.Анинг танасида, яъни ўнг қўл кафти, чап кўз атрофида, чап тирсак ва иккала болдир, чап оёқ кафти соҳаларида қонталашлар, бошининг тепа соҳаси, ўнг болдир, чап думба соҳаларида санчилик кесилган яралари, ўнг кичик болдир суяги ёпиқ синиши, чап кўз орбитаси медиал девори ёпиқ синиши, бош миянинг енгил даражада лат ейиши каби тан жароҳатлари бўлиб, улар ўтмас қаттиқ жисмлар таъсирида етказилганлиги ва «ўртача оғирликдаги шикастлар» гуруҳига киришлиги аниқланган.

Шунингдек, судланувчи Г.Анинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, жиноят иши ҳужжатларидаги жабрланувчининг аризаси билан, судга оид тиббиёт экспертизасининг 2019 йил 13 ноябрь кунги № 3648-сонли



хулосаси билан, ходиса жойини кўздан кечириш баённомаси билан, тушунтириш хатлари билан, юзлаштириш баённомалари билан ҳамда жиноят ишида тўпланган далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Суд, судланувчи Г.Анинг ўзининг, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан ўта шафқатсизлик билан қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказишда ифодаланган жинойий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “г,и” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Г.Анинг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлиги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига мувофиқ жазосини енгиллаштирувчи ҳолат деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан илгари қасддан жиноят содир этиб, ўталмаган жазодан шартли равишда озод этилган бўлсада, қасддан янги жиноят содир этганлиги жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топади.

Суд, судланувчи Г.Ага нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги №1-сонли Қарорининг 5-бандида қайд этилган, “Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак” деган раҳбарий тушунтиришларига риоя этиб, Г.Анинг ўз айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилалик бўлиб, 1 нафар фарзанди борлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим деб топди.

Шунингдек, судланувчи Г.А илгари жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2017 йил 23 июнь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, унга иш ҳақининг 30 фоиз миқдорини давлат даромади фойдасига ушлаб қолган ҳолда, 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2018 йил 19 ноябрь кунги ажримига кўра, ўталмай қолган 1 йил 11 ой 23 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод этилганидан кейин, яна қасддан янги жиноят содир этганлигини эътиборга олиб, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2017 йил 23 июнь кунги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмаган қисмининг шартлилигини бекор қилиб, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида ўталмай қолган жазо муддатини суд томонидан тайинланган жазога қисман қўшиб, /зил-кесил озодликни чеклаш жазоси тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.



Шу билан бир каторда, суд жабрланувчи У.Ага судланувчи Г.А томонидан жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли хужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришликни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларини қўллаб, ҳукм қилади,

## Ҳ У К М

Судланувчи Г.А (Г.А) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “г,и” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми “г,и” бандлари билан, 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Г.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60, 61-моддаларига асосан жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2017 йил 23 июнь кундаги ҳукми билан тайинланган жазонинг ўталмай қолган 1 (бир) йил 11 (ўн) ой 23 (йигирма уч) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини суд томонидан тайинланган жазога қисман қўшиб, узил-кесил 3 (уч) йил 1 (бир) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Г.Ани яшаш жойидан ҳар куни кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 6:00 гача чиқиши чеклансин.

Г.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмига асосан:

-озодликни чеклаш давомида муайян жойларга, яъни (кафе, бар, ресторанларга) бормаслик;

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик;

-Самарқанд вилояти ҳудудини тарк этмаслик каби қўшимча чеклашлар юклатилсин.

Г.Анинг таъқиқларига (чеклашларга) риоя этиши устидан назорат олиб бориш Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати Г.А жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Г.Ага нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси, ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин бекор қилинсин.

Судланувчи Г.Ага озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасдан бўйин товлаган, шунингдек, суд томонидан юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд томонидан бошқа турдаги жазо билан алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилсин.



Жабрланувчи У.Ага судланувчи Г.А томонидан жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида, шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи судья:**

**Ш.Мирзаахмедов**

